

3-мавзу. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАБИИЙ ШАРОИТ ВА РЕСУРСЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Режа:

- 1. Қишлоқ хўжалиги ҳақида тушунча*
- 2. Қишлоқ хўжалигининг географик хусусиятлари*
- 3. Табиий ресурслар ва экологик омиллар*
- 4. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат муаммоси*
- 5. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштириш тушунчаси ва хусусиятлари*
- 6. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар*

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг муҳим ва йирик тармоғи бўлиб, агросаноат комплекси(АСК)нинг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси аҳолига озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотлари, бир қатор саноат тармоқларига(озиқ-овқат, омухта ем, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқ.)хом ашё етказиб беришдан иборат. Қишлоқ хўжалиги асосан икки йирик тармоқлар-деҳқончилик(қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш) ва чорвачилик(чорва молларини боқиш)дан ташкил топган. Шунингдек, транспорт воситалари(от-улов-йилқичилик, буғучилик ва ҳ.к.) билан таъминлайди.

Мамлакатлар иқтисодиётида катта ўрин тутувчи агросаноат комплекси таркибига:

1. Қишлоқ хўжалигини асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган саноат тармоқлари гуруҳи;
2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзи;
3. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланадиган саноат тармоқлари;
4. Саноат ва умумий овқатланиш корхона ва ташкилотлари киради.

Деҳқончилик ўз навбатида далачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, токчилик, полизчилик, картошкачилик ва бошқа тармоқларни қамраб олса, чорвачилик қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, чўчқачилик,

паррандачилик, буғучилик, даррандачилик ва бошқа тармоқлардан ташкил топган.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги деҳқончилик ва чорва маҳсулотларини қайта ишловчи бир қанча саноат тармоқларини ҳам ўз ичига олади. Қишлоқ аҳолисининг ҳудудий жойлашуви ва иқтисодий-ижтимоий муаммолари айнан қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқдир. Айрим мамлакатларда ўрмон хўжалиги ҳам қишлоқ хўжалиги таркибига киритилади.

Қишлоқ хўжалиги жаҳон хўжалигининг энг қадимги тармоқларидан биридир. Маданий экинларнинг келиб чиқиш марказлари-Жанубий ва Марказий Америка, Шарқий Африка, Жануби-Шарқий, Жануби-Ғарбий ва Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик бир неча минг йиллар давомида ривожлантирилиб келинган.

Қишлоқ хўжалиги бир қанча географик хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга-фан-техника инқилоби даврида ҳам қишлоқ хўжалиги табиий шароитга боғлиқлиги, маҳаллий ва бозор иқтисодиётига тезлик билан мослаша олиши, ишлаб чиқариш типлари ва айрим мамлакатлар ўртасида меҳнат унумдорлиги ва товар яратиш даражасидаги тафовутларда ўз аксини топади. Бундай тафовутлар ҳудуддаги табиий шароит ва ресурсларнинг хўжаликда қандай ўзлаштирилиш даражаси билан тавсифланади.

Жаҳондаги барча мамлакатларда қишлоқ хўжалиги мавжуд. Лекин унинг ривожланиш даражаси турлича. Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ихтисослашуви ва жойлашувига муайян социал-иқтисодий ва географик омиллар, яъни халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви ва тараққиёт даражаси, иқтисодий-географик ўрни, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, шунингдек турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив ва экстенсив йўналишлари мавжуд. Интенсив қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни механизациялаштиришга, электрлаштиришга ва кимёлаштиришга, ирригация ва мелиорация тадбирларига таянади.

Қишлоқ хўжалиги экстенсив ривожлантирилганда ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан экинлар экиладиган майдонларни ва чорва моллари сони, улар боқиладиган яйловларни кенгайтириш ҳисобига олиб борилади. Қишлоқ хўжалиги тараққиётида интенсив ва экстенсив йўналишлар биргаликда олиб борилади. Лекин бу ҳолат, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бир-бирдан кескин тафовут қилади.

Бугунги кунда жаҳон қишлоқ хўжалигида 2 миллиардга яқин аҳоли банд.

Қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутди ва устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу соҳа бутун республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салкам 1/3 қисмини етказиб беради. Республика аҳолиси турмуш тарзини юксалтириш мазкур тармоқ билан ҳам узвий алоқадор. Негаки, республика аҳолисининг 60 % дан ортиқроқ қисми қишлоқ аҳоли пунктларида истиқомат қилади, меҳнат ресурсларининг 40 % дан зиёдроғи қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади.

Шунингдек, республика саноат потенциалининг тенг ярмини ташкил этувчи пахта тозалаш, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат, кимё, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноатларининг барқарор ривожланишини таъминлаш бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ер шаридаги энг қадимий деҳқончилик марказларидан биридир. Қулай табиий шароит ва ресурслар-иқлим, ер, сув ва меҳнат ресурслари ҳисобига қишлоқ хўжалиги қадимдан юксак даражада ривожлантирилиб келинган. Деҳқончилик, хусусан пахтачилик бой тарихга эга. Маълумотларга кўра, пахта Фарғона, Зарафшон ва Чирчиқ-Оҳаргарон водийлари ва Хоразм воҳасида милoddан аввалги 7-6-асрлардан буён экила бошланган. Буғдой, шоли, қовун, ток ва бошқа экинлар ҳам 3 минг йил аввал етиштириб келинган. Тўпланган бой тажрибалар асосида республика қишлоқ хўжалиги, айниқса унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачилик маданиятининг шаклланиши туфайли мамлакатимиз жаҳоннинг энг тараққий этган деҳқончилик минтақаларидан бирига айланди. Бугунги кунда дон

хўжалиги, боғдорчилик, полизчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, қоракўлчилик, пиллачилик умумжаҳон аҳамиятига эга. Мазкур соҳаларнинг юқори сифатга эга бўлган маҳсулотлари хорижий мамлакатларда машҳур ва уларга экспорт қилинади.

Табиий ресурслар ва экологик омиллар. Қишлоқ хўжалиги ўзига хос тармоқ бўлиб, саноатдан кескин фарқ қилади. Саноат тармоқлари деярли табиий шароитга мослашмаган ҳолатда иссиқ, совуқ иқлим шароитларида жойлаштирилади.

Қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда деҳқончилик тармоқлари табиий шароитга мослашган ҳолатда жойлаштирилади. Шу билан бирга, чорвачилик тармоқлари ҳам маҳаллий табиий шароитларга мослаштирилади. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари маълум бир экологик шароитда ривожланади, ҳолос.

Табиий шароит деганда муайян ҳудуднинг ер усти тузилиши, яъни рельефи, иқлими, ички сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тушунилади. **Табиий ресурсларга** ер ости бойликлари, иқлим, ички сувлар, тупроқ ва ўсимликлар киритилади.

Жойнинг рельефи қишлоқ хўжалигида маълум бир тармоқларни ривожлантиришга қулайлик яратади. Экинларни суғоришда, техникадан фойдаланишда текис ерлар жуда қулай ҳисобланади. Нисбатан ер ости сувлари чуқур жойлашган ерларда боғдорчилик, узумчилик яхши ривожланади. Бу ерда доимий эсувчи маҳаллий шамоллар хилма-хил касалликларнинг кўпайишига йўл бермайди.

Иқлим деганда мана шу жой учун хос бўлган об-ҳавонинг муайян даврлар мобайнида доимий такрорланиб туришига айтилади. Қишлоқ хўжалиги нуқтаи-назаридан иқлимнинг энг асосий элементлари ҳисобланган ҳаво ҳарорати, ёғин-сочин миқдори ва шамоллар энг муҳим аҳамият касб этади. Ҳаво ҳарорати ҳафталик, ойлик ва йиллик гуруҳлардан ташкил топган. Қишлоқ хўжалигида мутлақ совуқ ва иссиқ ҳарорат, баҳор ойларида

тушадиган энг охирги совуқ, куз фаслида тушадиган энг биринчи совуқ ҳам катта ўрин тутгани учун албатта ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалигида маданий экинларнинг вегетация давридаги фойдали хароратлар йиғиндиси катта аҳамиятга эга. Маданий экинлар экилишидан бошлаб то ривожланиши тўхтаган кунгача олинган харорат миқдори ҳар бир экиннинг ривожланиш даврини кўрсатади ва у маданий экинларнинг **вегетация даври** деб юритилади. Маданий экинларнинг вегетация даври қисқа ёки узок давом этиши мумкин. Одатда тропик минтақалардан келиб чиққан маданий ўсимликларнинг вегетация даври узок, мўътадил минтақа ўсимликларининг вегетацияси эса қисқарок давом этади.

Иқлим ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусияти билан характерланади. Текислик, тоғ ва тоғ олди, водий иқлими бир-биридан кескин фарқланади.

Қишлоқ хўжалигида ёғин-сочин миқдори ва унинг фасллар бўйича тақсимланиши ҳам муҳим ўрин тутди. Айниқса куз, қиш ва баҳор ойларида ёғадиган ёмғир, қорларнинг оз-кўплиги экинларнинг экилиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиётида фан ва техника ютуқларининг аҳамияти жуда юқори. Аҳоли табиий ўсимликларни маданий экинга айлантирибгина қолмасдан, айрим ўсимликларнинг вегетация даврини қисқартириш, сунъий шароитларда етиштиришни йўлга қўйган, селекция ва генетика ютуқларидан кенг фойдаланмоқда. Шундай бўлса-да, табиий шароит қишлоқ хўжалигининг асосий омили бўлиб қолмоқда.

Табиий шароит қишлоқ хўжалигининг ихтисослашишига ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Табиий шароит деганда қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган ер ва сув ресурслари, маданий экинларнинг ўсиб, ривожланиши учун зарур бўлган агроиқлимий ресурслар, яъни қуёш ёруғлиги ва иссиқлиги, намлик, тупроқнинг табиий унумдорлиги ва бу унумдорликни сунъий йўллар билан ошириш ҳамда чорва молларининг ем-ҳашак базаси сифатида фойдаланиладиган табиий ўсимлик ресурслари тушунилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида инсоннинг атроф-муҳитга таъсири кучайиб боради. Ер шари табиат минтақаларининг табиий ландшафтларида рўй бераётган деярли барча ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғланган. Фан-техника инқилоби даврида атроф-муҳит ҳолатини кескин ўзгартириб юборадиган омил сифатида қишлоқ хўжалигининг экологик аҳамияти янада ортиб боради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ер ҳисобланади. Ернинг хусусиятлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг концентрацияси ва ихтисослашувида ўзига хос формаларни келтириб чиқаради. Тупроқ унумдорлигини ошириш учун деҳқончиликда илмий системаларни ишлатишга имкон беради. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари сифатида тирик организмлардан-ўсимлик ва ҳайвонлардан кенг фойдаланилади. Шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалиги таракқиётида иқтисодий ва биологик қонунлар бир-бирига қўшилиб кетади. Қишлоқ хўжалиги мавсумий характерга эга бўлгани учун ишлаб чиқариш даврига тўғри келмайди ва меҳнатдан ишлаб чиқариш воситаси сифатида мавсумий фойдаланилади.

Жаҳон қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдони 4 миллиард 480 минг га га тенг. Шундан 1 миллиард 457 миллион га ер экинзор, кўп йиллик дарахтзор ва буталардан, 3 миллиард 5 миллион га пичанзор ва яйловлардан ташкил топган. Ер шарининг 30 % дан ортиқроқ қисми ёки 4,0 млрд га майдон ўрмонлар билан қопланган. Қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерлар эса 4,4 млрд. га дан иборат. Қишлоқ хўжалиги ерларининг каттагина қисми ҳар йили шаҳарлар майдонини кенгайтириш, саноат қурилиши, транспорт йўлларини қуриш ва бошқа мақсадлар учун қишлоқ хўжалигидан чиқиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурслари қуйидаги тоифаларга ажратилади:

1. Деҳқончиликнинг барча турларида фойдаланиладиган ерлар;
2. Табиий яйловлар ва пичанзорлар;
3. Қишлоқ хўжалигида кам фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган ерлар.

Жаҳондаги лалми ерлар майдони 135,8 млн. кв. км га тенг. Унинг 44,7 млн. кв.км. қисми Осиё, 42,1 млн. кв.км. қисми Америка, 30,3 млн. кв.км. қисми Африка, 9,8 млн. кв.км. қисми Европа, 8,9 млн. кв.км. қисми Австралия ва Океания мамлакатларига тўғри келади.

Жаҳонда фойдаланиладиган ерлар салмоғига кўра Осиё қитъаси (48 %) энг олдинги ўринда туради. Қитъалар бўйича Америка(25 %), Африка(14 %), Европа(10 %), Австралия ва Океания(3%) кейинги ўринларда туради. Дунёдаги экинзорларнинг ярмидан кўпроғи ва барча суғориладиган ерларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Евросиёга тўғри келади. Европада ҳайдаладиган ерлар салмоғи катта, лекин ер ресурслари қатъий чекланган ва улар ёппасига ўзлаштириб бўлинган. Осиёда эса суғориладиган ерлар Жанубий ва Шарқий Осиёда катта майдонларни эгаллайди. Шу билан бирга, Марказий ва Жануби-Ғарбий Осиёда жойлашган воҳаларда ҳам деҳқончилик кенг ривожланган. Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида тоғли ҳудудлар катта майдонни эгаллагани ва қурғоқчиликнинг тез-тез бўлиб туриши деҳқончиликнинг заиф ривожланишига сабабчи бўлган.

Суғориладиган ерлар майдонига кўра Ҳиндистон(57,7 млн. га), Хитой(48,4 млн. га), АҚШ(22,1 млн. га), Покистон(17,3 млн. га) мамлакатлари энг олдинги ўринларни эгаллайди(1999).

Агроиклимий ва тупроқ ресурслари умуман олганда ер шарида табиий омилларнинг жойлашиш қонуниятларига тўғри келади ва географик кенгликлар ҳамда баландлик минтақалари бўйлаб жойлашган. Бундай шароитлар актив фойдали ҳароратларга боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги учун ҳарорат 10^0 С дан юқори бўлиши зарур. Тупроқ шароитлари ва агроиклим шароити фан ва техниканинг ҳозирги даражасида барча табиий зоналар ва дунёдаги барча минтақаларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат муаммоси. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг глобал ва энг долзарб вазифаси бутун инсониятнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва жаҳон саноатининг қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган

эхтиёжларини атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда тўла таъминлашдан иборат. Бу вазифа баъзи бир маҳсулотларни ҳисобга олмаганда тўлалигича ҳал қилинган эмас. Ҳолбуки, бу масала ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда ер шарида 6 млрд дан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳолбуки, 1960 йилларда дунё аҳолиси 3 млрд кишидан иборат эди. Бундан кўринадики, кейинги ярим аср ичида дунё аҳолиси икки маротабага ўсган. Лекин, дунё аҳолиснинг ўсиш суръатлари сўнгги ўн йилликларда пасайиши ҳам кузатилмоқда. Маълумотларга кўра, XXI аср бошларида дунё аҳолиснинг ўртача ўсиш суръатлари йилига 1,2-1,5 % ни ташкил этган.

Ҳозирги фан-техника инқилоби даврида, яъни қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш йўли билан фойдаланиладиган бир гектар ер ва бир ишловчи ҳисобига кўплаб маҳсулот олинаётган ҳамда аҳолининг ўртача ўсиш суръатлари пасайиб бораётган бир шароитда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси ўз аҳамиятини йўқотади.

Шунга қарамасдан озиқ-овқат муаммоси ҳамон долзарб муаммолигича қолмоқда. Дунё аҳолиснинг 2/3 қисми аҳоли жон бошига ўртача даромад кам бўлган ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Бу эса мазкур мамлакатларда биринчидан, аҳолининг кам даромадга эгаллиги, иккинчидан, молиявий маблағларнинг етишмаслиги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни чеклаб қўяди.

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари кейинги йилларда кескин камайиши кузатилди. Бунга мазкур мамлакатлар иқтисодиётида саноат ва, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларининг катта ўрин тутиши ва қишлоқ хўжалигида фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилмоқда.

Шунинг билан бирга, иқтисодий ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг саноат билан интеграцияси, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича бир қанча операциялар саноат қўлига ўтди ва унинг таъсирида қишлоқ хўжалиги доираси ва ундаги ишлар ҳажми,

бу ишларда банд ишчи кучлари қисқарди. Чунончи, минерал ўғит, бройлерлар етиштириш, ёғ ва сут маҳсулотларини саноат усулида ишлаб чиқариш шулар жумласидандир. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ корхоналарнинг қишлоқ жойларида ҳудудий жойлашуви, қишлоқ хўжалиги инфраструктурасининг аста-секин мураккаблашиши ва бошқа сабаблар шунга олиб келадики, кўпгина мамлакатларда, жумладан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг салмоғи камаяди.

Тараққиёти паст бўлган ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучи кўп бўлса-да, лекин қолоқ аграр муносабатлар ва аҳолининг қашшоқлиги иқтисодий жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожланишига тўсқинлик қилади.

Жаҳон озиқ-овқат муаммоси социал-иқтисодий муаммо бўлиб, биринчи гада ижтимоий шароитга ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражасига боғлиқдир. Чунки ишлаб чиқарувчи кучлар табиий шароит ва ресурслардан озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун фойдаланишнинг аниқ йўллари аниқлаб беради. Бу ерда Мальтус “назарияси”нинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Янги мальтусчилар ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат муаммосини аҳолининг тез ўсиши демографик портлаш билан боғламоқчи бўладилар.

Озиқ-овқат муаммосининг кескинлашишига тобора авж олаётган экологик қийинчиликлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Чўллар майдонининг кенгайиб бориши, ўрмонларнинг қирқиб юборилаётгани, тупроқ эрозиясининг кучайиши, чучук сув муаммосининг кескинлашуви ва бошқалар таъсирида ирригация тизими секин-аста ишдан чиқиши шулар жумласидандир.

Озиқ-овқат муаммоси бўйича бир қанча халқаро анжуманлар ўтказилди. Ривожланаётган мамлакатларга озиқ-овқат ёрдамлари кўрсатилмоқда.

1960-70-йилларда ривожланаётган бир қанча мамлакатларда **“Яшил инқилоб”**га асос солинди. Бу мамлакатларда замонавий агротехникани амалиётга жорий этиш ва қўшимча маблағлар киритиш, экинларнинг серҳосил ва тезпишар навларини яратиш, кимёвий ўғит, пестицидлардан фойдаланиш,

ирригация ва мелиорация тизимини яхшилаш йўллари билан қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланишини таъминладилар.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакллари билан қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштиришдир. Қишлоқ хўжалигининг жойлаштирилиши муайян маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва миқдор кўрсаткичларини ўзида ифодалайди. Ўз навбатида ҳудудлар(минтақа)ларнинг маҳсулот етиштиришдаги салмоғини ўзида акс эттиради.

Минтақалар бўйича қишлоқ хўжалигини жойлаштириш меҳнатни тўғри тақсимлашга, яъни минтақавий ихтисослашувга олиб келади. Илмий-тараққиёт ихтисослашувнинг чуқурлашувига, сифат ўзгаришларига, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга, концентрациялашувга таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштириш унинг ихтисослашувида ўз ифодасини топади. Илмий-техник тараққиёт ва жойлаштириш бир-бири билан чамбарчас боғланган ва ўзаро алоқадорликда ривожланади. Комплекс автоматлаштириш, электрлаштириш ва механизациялаш меҳнат унумдорлигини кескин оширади. Жойлаштириш ҳам қишлоқ хўжалиги ва у билан алоқадор тармоқларда техник тараққиётни рағбатлантиради.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш-қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ҳудудлар бўйича географик тарқалишидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун минтақаларнинг табиий, иқлимий, иқтисодий ва социал омиллари ҳисобга олиниб деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари жойлаштирилади. Улар минтақавий ва географик жиҳатдан тақсимланади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш негизида иқтисодий шарт-шароитлар ётади. Қишлоқ хўжалигида жойлаштириш қуйидаги қонуниятлар орқали амалга оширилади:

- табиий шароит ва агроиқлимий ресурслар;
- истеъмолчи;
- транспорт;

- илмий-техник тараққиёт;
- меҳнат ресурслари;
- экологик.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда **табiiй шароит ва агроиклимий ресурсларларнинг** аҳамияти жуда юқоридир. Айниқса ер, сув, ҳарорат, тупроқ, ер усти тузилиши муҳим ўрин тутди. Табiiй шароити энг қулай бўлган ҳудудларда экинлар ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги юқори бўлади.

Ер ва сув ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари, айниқса деҳқончилик тармоқларини жойлаштиришнинг энг бирламчи омилидир. Улар қишлоқ хўжалигида бебаҳо бойлик ҳисобланади. Сув ресурсларига бой бўлган ҳудудларда сувни кўп талаб қилувчи шולי, пахта, сабзавот каби экинлар экилади. Бунга Ўрта Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, АҚШнинг жануби-шарқий ҳудудлари мисол бўлади.

Табiiй шароити ноқулай бўлган қурғоқчил чўл ва тоғли ҳудудларда суғорма деҳқончилик қилишга имконият деярли йўқ. Шунинг учун бу ерларда чорвачилик тармоқлари жойлаштирилади.

Табiiй шароит ва агроиклимий ресурслар нафақат деҳқончилик, балки чорвачилик тармоқларининг ҳам жойлаштирилишига ўзининг кучли таъсирини кўрсатади. Чорва молларига ем-ҳашак экинларининг экилиши ва уларнинг яйловлар билан таъминланиши, зотдор ва маҳсулдор чорва молларини боқиш тизими, чорвачилик комплекслари ва фермалари ҳамда уларнинг қийматлари табiiй шароитга боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини **истеъмолчиларга** яқин жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат ва саноатнинг айрим тармоқларини ҳам ашё билан таъминлайди. Улар бир оз ноўрин жойлаштирилса ривожланиш секинлашиши ёки пасайиб кетиши мумкин.

Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ва сифати АСК корхоналарининг жойлашувига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва унинг асосий истеъмолчиларидан бири қайта ишлаш корхоналари ўртасида ўзаро алоқадорлик сақланиши лозим.

Транспорт иқтисодийнинг қон томири ҳисобланади. Транспорт қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчиларига ва ўз навбатида қишлоқ хўжалигига зарур саноат маҳсулотларини етказиб беради. Транспорт йўллари зичлик ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашувини ҳам маълум даражада белгилаб беради. Арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчиларга ташиш имкониятлари ортади. Мамлакат ва унинг минтақаларида барпо этилган транспорт тизими қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узоқ масофаларга ташиш жараёнида маҳсулот таннарҳига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мана шу сабабли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда етиштириладиган маҳсулотларни истеъмолчиларга, шунингдек саноат маҳсулотларини қишлоқ хўжалигига етказиб бериш ҳам ҳисобга олинади.

Илмий-техник тараққиёт ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашишига катта таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида механизация, электрлаштириш даражаси техник воситаларнинг ўсиши натижасида ортади, меҳнат унумдорлигининг ўсишига сабаб бўлади.

Илмий-техник тараққиёт таъсирида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига индустриал тармоқлар кириб келди, саноат корхоналари билан алоқадорлиги кучайди, меҳнат тақсимооти чуқурлашди, турли минтақаларда янги озиқ-овқат ва хом ашё базалари ташкил этилади.

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашувига катта таъсир кўрсатади. Нафақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, балки бошқа ишлаб чиқариш жараёнларини ишчи кучисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аҳоли зич жойлашган ҳудудларда меҳнатни кўп талаб қилувчи қишлоқ хўжалик тармоқлари жойлаштирилади. Шоли, пахта, чой, кофе каби сермеҳнат экинларни етиштириш бунга мисол бўла олади. Аҳоли сийрак тарқалган ҳудудларда экстенсив хўжаликлар ташкил этилади.

Дехқончилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш корхоналари, экин майдонлари таркиби мавжуд меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим. Аҳолининг табиий-тарихий малака ва кўникмалари ҳам минтақалар бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва ихтисослашувига жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши нисбатан юқори бўлгани учун меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланган мамлакатлардан биридир. Меҳнат ресурслари айниқса қишлоқ жойларида кўпдир. Шунинг учун уларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ишчи ўринлари орқали иш билан таъминлаш мумкин.

Экологик омилнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлаштирилишига таъсири ортиб бормоқда. Полиэтилен плёнкалар, минерал ўғитлар, пестицидларнинг меъёридан ортиқ ишлатилиши, қишлоқ хўжалик транспорт воситаларининг атроф-муҳитга салбий таъсири, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик ва кимёвий кураш, алмашлаб экиш системасига риоя қилмаслик, чорва молларининг озикланиш меъёрида боқилиши экологик омилнинг кучайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини мамлакат иқтисодий районлари бўйича жойлаштириш минтақавий иқтисодиётнинг тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади.

Таянч термин ва тушунчалар

Қишлоқ хўжалиги, агросаноат комплекси, фан-техника инқилоби, экстенсив ва интенсив ривожланиш, табиий шароит, табиий ресурс, иқлим, ер ва сув ресурслари, экологик омиллар, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, озик-овқат муаммоси, «яшил инқилоб»

Мавзунинг такрорлаш ва мустақамлаш учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги тушунчаларингизни гапириб беринг.
2. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётда қандай ўрин тутади?
3. Қишлоқ хўжалиги қандай географик хусусиятларга эга?
4. Қишлоқ хўжалигининг ривожланишига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

5. Табиий шароит деганда нимаги тушунаси? Табиий шароит кишлок хўжалигига қандай таъсир кўрсатади?
6. Жаҳон кишлок хўжалигига яроқли ерлар қандай тузилган?
7. Қайси қитъа фойдаланиладиган ерлар салмоғига кўра энг олдинги ўринни эгаллайди?
8. Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси нима?

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
2. Асанов Г.А. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -248 б.
3. Бедрасов Ю.Я., Эргешов Ш.Э. Жаҳон кишлок хўжалиги. -Т.: Ўқитувчи, 1984. -192 б.
4. Бешимова Ш., Салимова Л. Ўсимлик маҳсулотлари етиштириш технологияси ва экология. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -381 б.
5. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. -455 б.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -299 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
8. Рўзиев А. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -152 б.
9. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф А.Тўхлиев. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. -237 б.
10. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1997.
11. Қишлоқ хўжалиги асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1976. -292 б.
12. Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни). - Андижон. 2000.
13. Ҳусанов Р.Ҳ. ва бошқ. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. -Т.: 2003. - 772 б.